



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"FARXOD DEHQON BOZORI" Aksiyadorlik jamiyatি**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'ssatilgan holdagi to'liq nomi)

**"FARXOD DEHQON BOZORI" AJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.04.2003

10

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200984661

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Uchtepa tumani, CHILONZOR G9A,

Guvochnoma:

Toshkent shahri, Uchtepa tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxaldan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida  
ma'lumotnoma

28.04.2022 r

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi <b>200984661, FARXOD DEHQON BOZORI</b>	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi O'zgarishlarsiz
2	THSh <b>Aksiyadorlik jamiyati</b>	THSh O'zgarishlarsiz
3	Faoliyat yuritish manzili <b>Toshkent shahri, Uchtepa tumani, CHILONZOR G9A,</b>	Faoliyat yuritish manzili O'zgarishlarsiz
4	IFUT <b>Savdoni tashkil qilish uchun maydonlarni ijara berish va boshqarish</b>	IFUT O'zgarishlarsiz

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	0	AKSIYADORLAR	4 860 057 300.00	100.00 %
<b>Ustav fondi 4 860 057 300.00 UZS</b>				100.00 %

O'zgarishdan keyingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	201352538	Aksiyadorlar	3 034 943 241.00	100.00 %
<b>Ustav fondi 3 034 943 241.00 UZS</b>				100.00 %

Toshkent shahri, Uchtepa tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

Imzo: 64255.ASOMIDDIN ABDUXAYEV SHAMSIDDIN-O'G'LICH

Axmed

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
“FARXOD DEHQON BOZORI” АЖ  
акциядорларининг 2022 йил  
11 апрелдаги умумий йигилиши карори  
билин

“FARXOD DEHQON BOZORI”  
aksiyadorlik jamiyatining  
**УСТАВИ**  
(янги таҳрирда)

Тошкент ш.

## **1. Умумий қоидалар**

**1.1.** Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (матн давомида - Конун) ва бошқа Конунчилик асосида ишлаб чиқилган.

**1.2.** «Farxod dehqon bozori» aksiyadorlik jamiyati (бундан бўён "Жамият" деб номланади) хўжалик юритиш хукукига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар кандай Конунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустакил хўжалик юритувчи субъект бўлиб хисобланади.

**1.3.** Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

**1.4.** Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- лотин алифбосида: “Farxod dehqon bozori” aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: “Farxod dehqon bozori” акциядорлик жамияти,

**Инглиз тилида:**

Joint stock company “Farxod dehqon bozori”

**Рус тилида:**

- акционерное общество “Farxod dehqon bozori”;

**1.5.** Жамиятнинг кискартирилган фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- кирилл алифбосида: “Farxod dehqon bozori” АЖ;
- лотин алифбосида: “Farxod dehqon bozori” AJ;
- **рус тилида:** АО “Farxod dehqon bozori”;
- **инглиз тилида:** JSC “Farxod dehqon bozori”.

**1.6.** Жамиятнинг жойлашган ери (пошта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Учтепа туман, Чилонзор Г9А, индекс 100173

**1.7.** Жамиятнинг электрон пошта манзили: [farhod\\_dehkon\\_bozori@mail.ru](mailto:farhod_dehkon_bozori@mail.ru)

**1.8.** Жамиятнинг расмий веб.сайти: <http://farhod-bozori.uz>

## **2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУКИЙ ҲОЛАТИ**

**2.1.** Жамият юридик шахс хисобланади ва ўзининг мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогор ва жавобгар бўлиши мумкин.

**2.2.** Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс хукукларига эга бўлади.

**2.3.** Жамият билгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташкирида банкдан хисоб вараклари очишга ҳақлидир.

**2.4.** Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмолак муҳрига эга бўлади.

**2.5.** Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкалирига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан утказилган товар нишонига, ҳамда бошка ўз белги-аломатларига эга бўлишига хаклидир.

**2.6.** Жамият конун ҳужжатларида такикланмаган фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириш чогида хукукларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.**

**3.1.** Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик хисоби ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акционерлари ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни кондириш максадида амалга оширади.

**3.2.** Кўзланган максадга мувофиқ қўйидагиларни амалга оширади:

- Қишлоқ хўжалиги, озик – овқат маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, ёрдамчи ва хунармандчилик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;
- Кенг турдаги қишлоқ хўжалиги, озик – овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шахобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари) дан фойдаланган ҳолда чакана ва майдада улгуржи олди – соттисини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасарруфидаги биноларни ижарага бериш;
- хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб қилиш максадида реклама ва бошка тадбирларни ташкил қилиш;
- озик–овқат ва товарларни ишлаб чиқариш мақсадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш;
- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси конунларига биноан ташкил иктисодий фаолият кўрсатиш;
- тижорат, дорихона, савдо–харид корхоналари, умумий овқатланиш шахобчалари очиш;
- жамият таркибидаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, дехкон фермер ва жамоа хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги, озик–овқат маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни харид қилиш ва ушбу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдоси орқали сотиш ҳамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;
- савдо – харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторон, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;
- жисмоний шахс ёки хукукий шахс хукукини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;
- пуллик авто туар жойларини, майший хизмат кўрсатиш шахобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошка майший хизмат шахобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун майший хизмат кўрсатиш;
- ҳар-хил кандолат моллари, салкин ичимликлари, музкаймок ишлаб чиқариш ва сотиш;

• ун тайёрлаш ва саклаш, кайта ишлапи, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш;

• тижорат, савдо-сотик ва савдо-воситачилик фаолияти;

• томошалар, шоу ўйинлари, лотериялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошка маданий-окартув, спорт согломлаштириши ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда катнашиш;

• бинолар ва уйларни куриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошка асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошка савдо обьектларини ташкил этиш;

• кимматли көзозлар чикариш, сотиш, сотиб олиш ва саклаш, улар билан бошка операциялар ўтказиш;

• лойиҳа-смета хужжатларини тузиш ва ишлаб чикиш, лойиҳалаш-изланиш, курилиш, курилиш-монтаж, юргизиш-тузатиш, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-майший бинолар, иншоотлар ва обьектларнинг қайта курилишини амалга ошириш;

• риэлектерлик фаолияти, кўчмас мулк обьектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошка операцияларини амалга ошириш;

• стационар ва кўчма авто ёкилги куйиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, мамлакатда ишлаб чикарилган ва чет эл маркали автомобиллар, хар-хил транспорт воситалари ва бошка техникага техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармогини тузиш ва улардан фойдаланиш;

• бозор конъюктурасини ўрганиш, сотиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишини ўрганиш, ички ва ташки хамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларни ўтказиш;

• Конунда такикланмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш ва ташкил этиш.

**3.3. Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шугулланиши ҳукукига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичида ушбу фаолият билан шугулланиши мумкин.**

**3.4. Жамият кўрсатилган фаолиятни бажарини мақсадида аукционларда, биржа ва бошка савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларидағи тижорат тадбирларида катнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик актлар ва битимлар, шу жумладан кредит-хисоб, касса муаммоларини амалга оширади.**

**3.5 Жамиятнинг фаолияти муддати чекланмаган.**

#### **4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият куйидаги ҳуқукларига эгадир:**

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги конунчилик асосида хар кандай тўлов шаклларини берин ва акцептлаш, айирбошлиш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблагларини айрибошлиш;

ўзининг ишлаб - чикариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамгармаларини мустакил режалантириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида мустақил равишда ўз карамогидан (балансидан) мол - мулк, карз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

конунчиликка мувофик, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, кискартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш;

**4.2.** Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

**4.3.** Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор килганлик учун конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**4.4.** Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият директори томонидан белгиланади.

## **5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИННИГ МИҚДОРИ.**

**5.1.** Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал кийматидан ташкил топади.

**5.2.** Жамиятнинг Устав фонди 3034943241 (уч миллиард ўттиз тўрт миллион тўккиз юз кирк уч минг икки юз кирк бир) сўмни ташкил килади ҳамда номинал киймати 111 (бир юз ўн бир) сўм бўлган 27341831 (йигирма етти миллион уч юз кирк бир минг саккиз юз ўттиз бир) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинган, улардан 100% акциялар жойлаштирилган.

### **а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

**5.3.** Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

**5.4.** Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳакидаги карорлар жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан кабул қилинади.

**5.5.** Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

**5.6.** Акциядорларнинг умумий йигилиши жамият чиқаришга ҳакли бўлган эълон килинган акциялар миқдорини белгилайди.

**5.7.** Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

**5.8.** Жойлаштирилган акцияларга кўшимча тартибда жамият умумий киймати 6961442700 (олти миллиард тўккиз юз олтмиш бир миллион тўрт юз кирк икки минг етти юз) сўмлик, номинал киймати 111 (бир юз ўн бир) сўм бўлган 62715700 (олтмиш икки миллион етти юз ўн беш минг етти юз) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни чиқаришга ҳакли.

### **б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

**5.9.** Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор килган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳакидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул қилинади.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор кабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида таксимланадиган кисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг хар бир тури бўйича эълон килинган дивидендуларни тўлашӣ шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошка конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли когозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендулар тўлаш тўғрисидаги қарор кабул қилинга ҳакли.

6.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўккиз ойи натижаларига кўра дивидендулар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida кабул қилиниши мумкин.

6.6. Акцияларнинг хар бир тури бўйича дивидендулар тўлаш, дивидендинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул қилинади. Дивидендуларнинг микдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендулар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендулар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича хисобланган дивидендуларни тўлаш акциядорларнинг дивидендуларни олишга бўлган teng хукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.8. Дивидендуларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендуларни тўлаш муддати шундай қарор кабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендулар тўловини амалга ошириш хукукига эга;

6.10. Эгаси ёки эгасининг конуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб килиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида колади.

6.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга хисобланган дивидендуларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк хисобварагига ўтказиб бериши шарт.

6.12. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг хисобланган дивидендулар суммаси ва улар хисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлан учун асос бўлиб хизмат килади.

6.13. Жамият дивидендларнинг микдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон килади. Жамият тўланадиган дивидендлар микдори тўгрисидаги маълумотларни кимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида конунчиликда белгиланган муддатларда эълон килади.

## **7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

7.1. Жамият соф фойда хисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фонdlарни акциядорларнинг умумий йигилишида ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошка маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини коплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка максадларда фойдаланиши мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган микдорга етганига кадар хар йили соф фойдадан 5% микдорида ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки кисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

8.1. Жамият бошқарув органдари - Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия орган (Директор).

## **9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ.**

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

9.2. Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий хисобот йигилиши молия йили тугаганидан кейин кўпин билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўгрисидаги, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (бундан бўён матида “Директор” деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни кайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги ҳакидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 9.5 бандига мувофик жамиятнинг йиллик хисоботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш ва бошка хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чоғида умумий йигилишда, кун тартибидаги масалаларни мухокама килиш ва овозга кўйилган масалалар бўйича карорлар қабул килишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришининг

умумий тартиби кимматли көгөлдөр бозорини тартибга солиш бүйича ваколатти давлат органдан белгиланади;

9.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бүлгөн холатда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди.

9.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бүйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш, уни чакириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи коидалари кўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказин муддатларига тааллукли коидалар бундан мустасно.

9.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни кайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик хисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрга муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аник муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тасдиқлаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- кимматли көгозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳукукни кўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган кимматли көгозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш;

- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳакнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳакида қарор қабул қилиш;

- конунчилиқда белгиланған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан битимлар түзиш тұғрисида қарор қабул қилиш. Бунда жамиятнинг аффилланған шахси билан активларининг киймати жамият соф активлари кийматининг ўн ёки ундан күп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузини тұғрисидаги қарорлар мол-мұлкнинг конунчиликка мувофик бақоловчы ташкилот томонидан белгиланған бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқы аудиторлық ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилған холда мажбурий тартибда қабул қилинади

- конунчиликка мувофик бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришиңа доир конунчилиқда белгиланған талабларға риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшитиш, йирик битим түзиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим түзиш тұғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс киймати ёки олиш киймати битим түзиш тұғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мұлк хусусида йирик битим түзиш тұғрисидаги масалалар бўйича қарор, аффилланған шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш хакидаги қарор, акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаёттан овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч килемидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Соликка оид ёки давлат ғондидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидағы давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тұғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилған овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки килеми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташкари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилған масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.6. Жамият акциядорлари умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилған масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш билан боғлик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган кимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини түзиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- бошқа конунчилиқда тақиқланмаган умумий йигилиш қарорлари билан бериладиган масалалар.

9.7. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинган карорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу карорлар кабул килинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамият акциядорлар умумий йигилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

## 10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамият Кузатув кенгаси Жамият фаолиятига умумий раҳбарликини амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳак тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳак ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши карорида белгиланади.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташкири умумий йигилишларини чакириши, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойини белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳакида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал килиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаси мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиши ва жамият кузатув кенгаси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаси ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фонидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чикган холда, битимлар тузиш ҳакида карор кабул килиш. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг киймати жамият соғ

активлари кийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўгрисидаги карорлар мол-мулкнинг конунчиликка мувофик баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор киймати хисобга олинган, мустақил ташкил аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган холда мажбурий тартибда қабул қилинади;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироқи билан боғлиқ битимларни конунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият акцияларининг жойлаштириш (ташкил этилган кимматли қоғозлар савдоларига чикариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чикариш тўгрисида карор қабул қилиш;

- кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чикариш тўгрисида карор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўгрисида карор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўгрисида”ги қонунини 79-моддасига ва бошка меъёрий хужжатларга асосан муддатидан илгари тутатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўгрисидаги карор, коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланаидиган ҳак ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат бўлади.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофик бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгashi аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси- йирик акциядорлар томонидан келишилган холда тавсия этилади ва сайланади.

10.7. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга хаклиdir. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланган деб хисобланади.

10.8. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгashi аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий

сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳаклидир.

10.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар, уларни сайлаш тартиби ва фаолият юритиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Кузатув кенгаши тўгрисида»ги Низомда белгилаб кўйилади.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласди, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.12. Жамият ижроия органи аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.15. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисида карор қабул килишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга ҳаклидир.

10.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида карорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш» конунинг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича карор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул килинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳакли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган холда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

10.17. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вакт ва жой;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

- қабул килинган карорлар.

10.18. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда масофадан туриб иштирок этадиган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.19. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши

акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўгрисида қарор кабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳакидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.20. Жамият Кузатув кенгаси раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.21. Жамият Кузатув кенгаси мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камила бир марта чакирилади. Заруриятта кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташкари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.22. Жамият Кузатув кенгаси Жамиятнинг «Кузатув кенгаси тўгрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

## 11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи хисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошкаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси конунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг карорларига мувофик амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

11.4. Жамият Директори Кузатув кенгаси томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаси раиси имзолайди.

11.5. Жамият уставига мувофик ёки акциядорлар умумий йигилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг карорига кўра жамият директорини тайинлаш, қонда тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.6. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Агар директор томонидан мазкур масалалар ўзбошимчалик билан амалга оширилса, Кузатув кенгаси директор билан тузилган меҳнат шартномани бир томонлама бекор килишгача бўлган чораларни кўллашга ҳакли.

11.7. Жамият Директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил этади.

11.8. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Ижроия органи тўгрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11.9. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ микдори, хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.10. Жамиятнинг директори вазифаларини бошка ташкилотларнинг бошкарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

11.11. Жамият кузатув кенгаси жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор килишга), ҳакли.

11.12. Жамият Директорининг ваколатларига куйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига раҳбарлик килади;
  - Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
  - Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини химоя килади;
  - Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
  - штатларни тасдиклайди, жамият ходимларини ишга кабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, бекор килади ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
  - жамият номидан амалдаги конунчиликка асосан ишончномаларни беради;
  - жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
  - жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиклайди;
  - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишланини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик килади;
  - акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
  - амалдаги конунчиликка мувофик Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва хисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик хисботлар ва бошка молиявий хисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошка олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
  - амалдаги конунчиликка ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.
- 11.13. Жамият Директори ўз хуқукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
- 11.14. Жамият Директори конунчиликка ва ушбу уставга мувофик жамият олдида жавобгардир.

## 12. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси конунчиликда ва «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги» Низом билан белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланадиган «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги» Низомда белгиланади.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

12.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

12.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эталик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор килиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

12.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хulosса тузади, бу хulosада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётгандা конунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

12.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тушибга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хulosани хар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чикади. Ушбу банднинг 12.8. кисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эшитилади.

### 13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав бўйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги конунчилик ва ушбу уставга асосан ҳал килинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал килиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд оркали ҳал килинади.

13.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг конунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вактдан бошлаб кучга киради.



Ш.Куванов